2025 йил 7 июль куни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти Кенгашининг IX Конференцияси якунлари тўғрисида

МАЪЛУМОТ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти Кенгашининг IX Конференцияси 2025 йил 7 июль куни соат 10-00 да Навоий шаҳридаги "Маънавият ва маърифат маркази"нинг катта мажлислар залида ўтказилди. Конференцияда 100 нафар делегатлардан 96 нафари қатнашди.

Конференцияда Навоий вилояти ҳокими Турсунов Нормат Тулкуновичнинг Конференция делегатлари ва иштирокчиларга табриги ҳамда касаба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида тухталиб ўтди.

Шунингдек, Конференцияда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раисининг ўринбосари Махмадалиев Бахтиёр Хасанович, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ташкилий ишлар бўлим мудири ўринбосари Ихтияров Жахонгир Умарович, вилоят ҳокимнинг 2 нафар ўринбосари, вилоят прокурори, вилоят ИИБ бошлиғи, вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиқлари ва 33 нафар вилоят ташкилот ва муассаса раҳбарлари, 11 нафар касаба уюшмалари фахрийлари иштирок этди.

Конференция ўз ишини бошлашга ваколатли бўлганлиги сабабли очиқ деб эълон қилинди ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мадҳияси янгради.

Марказ зали файеси ҳамда катта мажлислар залида 1 дона LED (9х3 метр) экрани ўрнатилиб, Конференция бошланишидан аввал намойиш этиш учун касаба уюшма фаолияти бўйича видеоролик намойиш қилинди.

Конференцияда иштирок этадиган делагатлар ва таклиф этилганлар учун таклифнома тайёрланиб, барча делегатларнинг етиб келиши назоратга олинди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилоят Кенгашининг IX Конференцияси атрибутлари (бейджик, гувоҳнома, блокнот, ручка, Федерация эмблемаси туширилган байроқча, уларни жойлаштиришга папка, сумка ва ҳ.к) тайёрлаб делегатлар ва иштирокчиларга берилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилоят Кенгашининг IX Конференциясининг кун тартиби ва қарор лойиҳаларини жамланмаси 140 нусхада кўпайтирилди.

Конференция куни делегатларни рўйхатдан ўтказилди ва тарқатма материаллар билан таъминланди.

Катта залдаги стулларнинг рақамлари асосида жойлашиш схемаси ишлаб чиқилиб, ҳар бир делегат ва таклиф этилганларнинг ўтириш жойи олдиндан белгиланди ва конференция бошланишида ҳар бир иштирокчи ўз ўрнига жойлаштирилди.

Конференцияга келган оммавий ахборот воситалари вакилларини рўйхатга олинди. Уларни пресс-релиз ва бошқа ахборотлар билан таъминланди.

Конференцияда ишчи раёсати, котибият, таҳрир комиссияси, санақ комиссиясининг жойлашиши учун шарт-шароит яратилди. Махсус табличкалар қилинди. Санақ комиссиясининг иш олиб бориши ва делегатларнинг овоз беришини ташкил этиш учун алоҳида кичик залда тайёргарлик кўрилиб, унда 3 та кабина, сайлов қутиси, бюллетенларни чоп этиш учун 2 та компьютер ва принтер ўрнатилди.

Санақ комиссияси аъзоларининг ҳар бирига овоз бериш жараёнида тезкор иштирокини таъминлаш учун делегатлар учун табличкалар қилиб, уларга алоҳида бюллетень тарқатилиши учун рўйхат берилди.

Танаффусдан сўнг санақ комиссияси томонидан йиғилиш иштирокчиларига яширин овоз бериш бюллетенлари тарқатилиб, комиссия раиси Ф.Файзиева яширин овоз бериш тартибини тушунтирди ва "Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисида Низом"да белгиланган тартибда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилоят Кенгаши раиси ва раиси ўринбосари сайлови бўйича яширин овоз бериш кетма-кетликда ўтказилди.

Сайлов ўтказиладиган кичик залга кириш ва чиқиш жойларида бегона шахсларнинг киритмаслик, делегатларнинг овоз беришдан кейин файе орқали ўз ўрнига келиб ўтиришига имконият яратилди.

Сайлов ўтказиладиган вақтда делегатлар учун бино файесида кофе-брейк тайёрланди.

Сайлов жараёнида вақтдан унумли фойдаланиш мақсадида, делегатларга раисга овоз бериш учун оқ, раис ўринбосарига сариқ рангдаги бюллетенлар берилди. Улар 2 та лавозимга муқобиллик асосида 2 тадан номзодларни ўзлари танлаб овоз бериши, санақ комиссияси эса, бюллетень рангларига қараб тезда ажратиб олиш имконияти яратилди. Яратилган имкониятлар натижасида 30 минут ичида барча делегатларнинг яширин овоз беришлари имконияти яратилди.

Конференцияда 5 нафар делегатлар ва таклиф этилганлардан иборат ишчи раёсати, 3 нафар аъзодан иборат котибият, 3 нафар аъзодан иборат таҳрир комиссияси, 3 нафар делегатлардан иборат санақ комиссияси сайланди.

Вилоят кенгаши IX Конференциянинг 10 та масаладан иборат кун тартиби ва иш тартибини тасдиқлаб олинди.

Кун тартибидаги биринчи масала-"Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилоят Кенгашининг 2020-2025 йиллардаги фаолияти тўғрисида ҳисоботи ва вилоят касаба уюшмаларининг навбатдаги устувор вазифалари тўғрисида" вилоят Кенгаши раиси Тоғаева Назира Маманазаровна маъруза қилди.

Бир йўла кун тартибидаги иккинчи масала бўйича тафтиш комиссияси раиси Қаршиев Бахтиёр Ачиловичнинг ҳам ҳисоботи тингланиб кейин музокаларга ўтилиши келишилди.

Музокараларда Зарафшон шаҳар 9-сонли мактаб директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси, сенатор Тумишова Аксавли Молдогалиевна, Навоий давлат университети ректори, Халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгаши депутати Калонов Муҳиддин Бахриддинович, Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси ҳузуридаги Навоий вилоят "Иссиқлик манбаи" Давлат унитар корхонаси бош мухандиси Исмайилов Жамол Ғафурович, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Махмадалиев Бахтиёр Ҳасанович иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Кенгашнинг беш йилдаги фаолияти қониқарли деб топилиб, билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида карор қабул қилинди. Тафтиш комиссияси тасдиқланиб, қарор қабул қилинди.

Шундан сўнг конференция кун тартибига киритилган сайловлар масаласини кўриб чиқишга ўтилди. Сайловларда вилоят кенгаши раиси, унинг ўринбосари Низомга асосан ёпиқ овоз, қолган барча сайловлар очиқ овоз бериш йўли билан ўтказилиши тасдиқланди.

Сайлов натижаларига асосан, вилоят Кенгаши раиси этиб Тоғаева Назира Маманазаровна, ўринбосари Х.Халилов кўпчилик овоз бериш йўли билан сайландилар.

27 нафардан иборат таркибда вилоят Кенгаши, 9 нафар аъзодан иборат Ижроия қўмитаси аъзолари сайланди.

Тафтиш комиссиясига 3 нафар аъзо ва тафтиш комиссияси раиси лавозимига Қаршиев Бахтиёр Ачилович сайланди.

Шундан сўнг очиқ овоз бериш йўли билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига 15 нафар делегатлар, Бош Кенгашига 2 нафар вакил сайландилар.

Кенгаш аъзолигига сайланган 27 нафар вилоят Кенгаши аъзоларидан 10 нафари хотин-қизлар, 26 нафари олий маълумотлилар, 10 нафари биринчи бор сайланганлар, 25 нафари касаба уюшмаларида ишлаётган ходимлар, 2 нафар Халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши депутатларидан иборат.

Кенгаши Ижроия қўмитасига сайланган 9 нафар аъзодан 4 нафари хотин-қиз, барчаси олий маълумотли касаба уюшма ходимлари, 2 нафари биринчи бор сайланганларни ташкил этди. Кенгаш раиси ва ўринбосари олий маълумотли. Тафтиш комиссиясига сайланган 3 нафар аъзонинг барчаси олий маълумотли, 1 нафари биринчи марта сайланмоқда. 3 нафари касаба уюшма ходимлари ҳисобланади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг Навоий вилоят
Кенгаши раиси **Н.Тоғаева**